

Ҳ У К М
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2019 йил октябрь ойининг 04 куни жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Жалақудуқ туман суди, жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди биносида очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Жалақудуқ туман судининг раиси Н.Парпиев, Ш.Умаровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Жалақудуқ туман прокурори катта ёрдамчиси А.Отабеков, судланувчилар [REDACTED] ва уларнинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED] нинг иштирокида, [REDACTED] га оид 1-1707-1901/75-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED]

04.07.1990 йилда Андижон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республика фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, яқка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланади, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, [REDACTED] яшайди, жиноят иши бўйича 14.08.2019 йил куни “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 16.08.2019 йил куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан айбланган.

[REDACTED] 28.01.1977 йилда Андижон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, ўрта махсус маълумотли, вақтинча ишсиз, оилали, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам 18.04.2011 йил куни жиноят ишлари бўйича Андижон туман судининг ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари билан 4.973.500 сўм жарима жазосига судланган, жарима тўлиқ ундирилган, судланганлик муддати ўтган, [REDACTED] жиноят иши бўйича 14.08.2019 йил кунидан “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 16.08.2019 йил куни олганни

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

■ билан ўзаро олдиндан тил бириктириб, 2019 йил 6 июль куни соат 12.40 лар чамасида ўзи савдо қилаётган Андижон шаҳри “Найман” кўчасида жойлашган “Жаҳон бозори” ҳудудидаги 583-сонли савдо дўконида назорат тартибида валюта қимматликларини ҳарид қилиш учун жалб қилинган ҳолис ҳаридор ■ га 1 АҚШ долларини 8.635 сўмдан, 5.100 АҚШ долларини 43.038.500 сўмга қонунга ҳилоф равишда сотиб ўтказган вақтида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Андижон вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ушланганлар.

Судланувчи ■ суд мажлисида айбига тўлиқ иқроп ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, Андижон шаҳар Найман кўчасида жойлашган “Жаҳон буюм бозори” ҳудудида якка тадбирда тадбиркорлик билан шуғулланиб, мобил телефон аппаратлари билан савдо қилишини, 2019 йил май ойларида ■ исмли танишига 200 АҚШ долларига янги телефон аппарати сотганини, пулларини бўлиб 1 ой ичида беришини айтганини, у ҳам рози бўлганини, ■ телефон аппаратни ■ исмли танишига сотганини билгани, ■ пулларни бермаганлиги сабабли ■ телефон пулларини вақтида бермаганини, 2019 йил 6 июль куни ■ телефон қилиб ■ исмли таниши кредит пулни олгани, шу пулларга АҚШ доллари сотиб олмоқчи экани ва шунга танишлар бўлса ёрдам беришликни ва шу баҳонада телефондан бўлган ҳақини ҳам ундириб олишини айтиб илтимос қилганида у рози бўлиб АҚШ доллари билан савдо қиладиган танишлари борлигини айтгани ва эски таниши ■ га кўнғироқ қилиб 5.100 АҚШ доллари сотиб оладиган одам борлигини айтиб 1 АҚШ долларини нархини айтганини, сўнг ■ га телефон қилиб таниши билан гаплашганини, 1 АҚШ долларини 8.620 сўмдан сотишини айтганида ■ унга “Ака 15 сўмдан биз ҳам фойда қўямиз” деб айтиб 1 АҚШ долларини 8.635 сўмдан деб айтишини, унга ҳам шу нархда сотишини тайинлагани ва ■ исмли танишига савдо қилаётган “Жаҳон буюм бозори”даги 583-сонли савдо дўконга келишини айтганини, ўзи ҳам ■ га телефон қилиб дўконга пулларни олиб келишини айтганини, ■ ака дўконга етиб келганини, ■ исмли шахс келиб 44.000.000 сўм пулларни берганини, ҳисоблашиб яна 5.100 АҚШ доллари 44.038.000 сўм бўлиши кераклиги учун ■ АҚШ долларини олиб қолган 38.000 сўм пулларни машинадан олиб келиш учун чиқиб кетган вақтида фуқаролик кийимида ўзларини Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти ходимлари деб таништирган шахслар дўконга кириб, АҚШ доллари ноқонуний олди-сотдиси содир этилганлигини сўраб суриштириб, пулларни ҳужжат тузиб олганликларини, ҳақиқатдан ■ дан 1 АҚШ долларини 8.620 сўмдан келишиб ■ исмли шахсга 1 АҚШ долларини 8.635 сўмдан сотганлигини, таниши ■ илтимос қилгани учун шу

ишни қилганлигини, доимий равишда АҚШ долларини олди-сотдиси билан шуғулланмаслигини, чакана савдо билан шуғулланиш учун тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб “Жаҳон буюм бозори”даги дўконда уяли телефон аппаратларини сотиш билан шуғулланишини, қилмишидан пушаймонлигини билдириб кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб илгари валюта қимматликларини қонунга ҳилоф равишда олди-сотдиси билан шуғуллангани сабабли судланганлиги, суд томонидан тайинланган жарима жазоларини тўлиқ тўлаб, шундан сўнг жанубий Корея давлатига бориб ишлаб келгани, ҳозирда косибчилик билан шуғулланиб келишини, уйда косибчилик учун маблағлари етишмай қолиб акасидан қарз олиб ўзида бўлган АҚШ долларини сўмга сотиб дастмоя сифатида ишлатмоқчи бўлганини, 2019 йил 6 июль куни соат 11.30 ларда эски таниши [REDACTED] қўл телефонига кўнғироқ қилиб, АҚШ доллари оладиган таниши борлигини ва нархи қанчадан сотишини сўраганини, унга 1 АҚШ долларини 8.620 сўмдан сотишини айтганини, [REDACTED] “Жаҳон буюм бозори”даги дўконда савдо қилишини билгани учун ундан дўконга 5.100 АҚШ доллари олиб келишни илтимос қилганини, у рози бўлиб [REDACTED] савдо қиладиган савдо дўконига пулларни олиб борганини, у ерга кейинчалик таниган [REDACTED] исмли йигит келганида [REDACTED] га 5.100 АҚШ долларини берганини ва [REDACTED] ўша йигитга АҚШ долларларини бериб юборганини, у йигитдан ўзбек сўмини сумкада олиб қолиб, кейин 5.100 АҚШ доллари учун 43.962.000 сўм пулларни санаб бермоқчи бўлган вақтида дўконга Департамент ходимлари кириб АҚШ доллари қонунга ҳилоф равишда олди-сотдиси бўлганини эълон қилиб сумкадаги ўзбек сўмини иккита ҳолис иштирокида ҳужжатлаштириб олганликларини ва сўнгра Департамент идорасига олиб бориб у ерда ҳолат юзасидан тушунтириш хати олганликларини, [REDACTED] ундан 1 АҚШ долларини 8.620 сўмдан келишиб [REDACTED] исмли йигитга 1 АҚШ долларини 8.635 сўмдан сотганини кейин билганини, қилган ишидан қаттиқ пушаймонлигини, пулларни акасидан қарзга олганини, аслида косибчилик касбини ривожлантирмоқчи бўлиб қарз олганини, ҳақиқатдан илгари АҚШ долларини ноқонуний олди-сотдиси билан шуғулланиб судланганини, лекин бу ишлар билан ўшандан кейин шуғулланмай қўйганини, енгиллик қилишликни сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида Андижон шаҳар “Жаҳон буюм бозори”да жойлашган уяли телефонларни таъмирлаш устахонасида устага шогирд сифатида ёрдам бериб келишини, маҳалладоши [REDACTED] исмли йигитга “Жаҳон буюм бозори”да телефон аппаратлари билан савдо қилувчи [REDACTED] исмли танишидан “Самсунг А 30” русумли уяли телефон аппаратини 220 АҚШ долларига олиб бергани, пулини 1 ой ичида беришга келишганини, лекин пулларни [REDACTED] вақтида бермаганини, [REDACTED] у ўзини ёнидан тўлаганини, 06.07.2019 йил куни ўша [REDACTED] исмли шахс +99897-991-57-53 рақамли уяли телефонига телефон қилиб ўзида 44.000.000 сўм пуллари борлигини айтиб шу пулларга яраша АҚШ доллари зарурлиги айтганини, [REDACTED] дан бўлган ҳақини шунда қайтариб олишини ўйлаб, у таниши [REDACTED] га кўнғироқ қилиб, АҚШ доллари

сотадиган танишларидан илтимос қилиб [REDACTED]га АҚШ доллари топиб беришни илтимос қилгани, [REDACTED] рози бўлгани, сўнг [REDACTED]га қўнғироқ қилиб, Орадан бир оз вақт ўтиб [REDACTED] “Жаҳон буюм бозори” га етиб келгани, уни [REDACTED]ни дўконига олиб кириб қўйганини, [REDACTED] исмли таниши АҚШ доллари олиб келиши кераклигини айтганини, ўзи дўконга ишини давом эттириш учун кетганини, бир оз вақт ўтгандан кейин [REDACTED]ни дўконидан чиқиб кетаётганлигини кўриб нима бўлганлигини сўраган вақтида [REDACTED] хозирда 40.000 сўм пулларини кам бўлиб қолганини, шу пулларни автомашинасидан олиб кириб беришини айтганини, [REDACTED]ка 40.000 сўмни ўзи [REDACTED]га бериб қўйишини ундан бўлган 225 АҚШ долларини 250 АҚШ доллари қилиб беришини айтганини, шунда [REDACTED]ни дўкони олдида одамлар кўпайиб туришганини кўриб сабабини сўраганида ноқонуний равишда валюта қимматликларини сотилган вақтида ушланганликлари хақида айтишганини билдириб кўрсатув бериб ўтди;

Гувоҳ [REDACTED] судда таниши [REDACTED]дан АҚШ доллари сотадиган танишлари бор-йўқлигини сўраганида [REDACTED] исмли таниши дан сўраб кўришини айтганини ва 06.07.2019 йил куни телефон қилиб “Жаҳон буюм бозори”да савдо қилувчи [REDACTED] исмли йигитни АҚШ долларини олди-сотдиси билан шуғулланадиган танишлари борлигини, пулларни ўша ерга олиб келса АҚШ долларига алмаштириб бериши мумкинлигини айтганини, сўнг у АҚШ доллари олди-сотдиси билан шуғулланувчи шахслар иқтисодиётга катта зарар етказиши мумкинлигини ўйлаб бу хақида Иқтисодий жинойтларга қарши кураш Департамент ходимларига хабар берганини, сўнг Департамент ходимлари ҳужжат тузишиб, унга АҚШ доллари сотиб олиш учун 44.000.000 сўм пуллар берганликларини, пулларни орасидан ажратиб белги қўйиб ҳолислар иштирокида ҳужжатлаштирганликларини, сўнгра “Жаҳон буюм бозори” га бориб таниши [REDACTED] билан кўришгани ва у [REDACTED] исмли йигит савдо қиладиган дўконга олиб бориб ўзи чиқиб кетганини, [REDACTED] исмли йигит билан 1 АҚШ долларини 8.635 сўмдан келишиб 44.038.000 сўмга 5.100 АҚШ доллари олишга келишиб, 44.000.000 сўм пулларни [REDACTED]га берганини, 38.000 сўмни ҳозир машинадан олиб кириб беришини айтиб [REDACTED]дан 5.100 АҚШ долларини олиб ташқарига чиққанини ва келишилган белгини берганини, ҳақиқатдан [REDACTED]дан 225 АҚШ доллари қарзи борлигини, 1 ойда бериш шarti билан “Самсунг А 30” телефонини сотиб олганини, ҳозирда қарзини тўлаб берганини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] судда 06.07.2019 йил куни Департаментнинг Андижон вилоят бошқармаси томонидан ўтказилган тезкор тадбирда ҳолис сифатида иштирок этганини, департаментнинг Андижон вилояти бошқармасига келганида, яна битта ҳолис [REDACTED] иштирокида фуқаро [REDACTED]нинг аризаси мазмуни ўқиб эшиттирилганини, фуқаро [REDACTED] ариза билан мурожаат қилиб, ўзининг аризасида Андижон шаҳар “Жаҳон буюм бозори”да [REDACTED] ва бошқалар ноқонуний равишда АҚШ доллари сотиш билан шуғулланиб келаётгани тўғрисида мурожаат қилиб, уларга нисбатан қонуний чора кўриб беришликни сўраб ушбу ноқонуний фаолиятга чек қўйиш учун ўтказиладиган тадбирда ҳаридор сифатида қатнашиб беришини маълум

қилганини, [REDACTED] га Департаментнинг Андижон вилояти бошқармаси Молия бўлиmidан фойдаланишлик учун олинган ҳар бири 100 минг купюралик 50 минг купюралик, 10 минг купюралик, 5 минг купюралик, бир минг купюралик жами бўлиб, 44 млн 038 минг 500 сўм пуллар, шунингдек, ушбу шахслар ва бошқалар билан бўлиб ўтадиган суҳбатларни ёзиб олиш учун баённома билан овоз ёзиш мосламаси ҳам тақдим қилинганини, сўнг Андижон шаҳар Найман кўчасида жойлашган “Жаҳон буюм бозори” МЧЖ худудига борганликларини кейинчалик таниган [REDACTED] га тегишли уяли телефон ва акцесуарлар савдо дўконига кирганликларини, кейинчалик таниган [REDACTED] исмли шахслар ҳолис ҳаридор [REDACTED] исмли шахсга 1 АҚШ долларини 8.635 сўмдан жами 5.100 АҚШ долларини 44.038.500 сўмга сотиб ўтказганликларини Департамент ходимлари эълон қилиб улардан ўша ерда сумкада бўлган [REDACTED] дан олган 44.000.000 сўм пулларни ҳужжат тузиб олганликларини ва Дaпaртемент Андижон вилоят биносига бориб у ерда ҳолат ҳақида барчадан тушунтириш хати олганликларини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида гувоҳ [REDACTED] кўрсатувиға ўхшаш ва мос кўрсатув бериб ўтди.

[REDACTED] ларнинг қилмиш жиноий айблари ўзларининг суд мажлисида қилмишларига қисман иқроп ва пушаймон бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, гувоҳларнинг суд мажлисида берган кўрсатувлари, жиноят иши бўйича тўпланган ва судда қайта текширилган мақбул далиллар йиғиндиси билан ҳам тўлиқ исботланади.

Суд [REDACTED] ни қилмиш ҳаракатларини квалификация масаласини муҳокама қилиб, [REDACTED] билан олдиндан тил бириктириб ҳолис ҳаридор [REDACTED] га 5.100 АҚШ долларини 44.038.000 сўмга қонунга ҳилоф равишда сотганликда ифодаланган қилмиш ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 3-қисмининг “в” бандида кўрсатилган жиноятни содир қилганлар деган тўхтамга келди.

Суд [REDACTED] дан 1 АҚШ долларини 5.620 сўмга сотиб олиб [REDACTED] га 8.635 сўмдан сотганини, [REDACTED] билан бир гуруҳ бўлиб валюта қимматликларини қонунга ҳилоф равишда ҳолис ҳаридор [REDACTED] га сотгани, ўзи [REDACTED] дан ўз пулига АҚШ долларини сотиб олмагани, пулларни ҳолис ҳаридор [REDACTED] берганини ва ўзини фойдасини олиб қолиб қолганини [REDACTED] га бериши керак бўлганини, бу ҳолатда [REDACTED] мустақил равишда [REDACTED] дан АҚШ долларини сотиб олиб сўнг ушбу АҚШ долларини ҳолис ҳаридор [REDACTED] га қонунга ҳилоф равишда сотган деб баҳолаб бўлмайди, чунончи, [REDACTED] АҚШ долларини ҳолис ҳаридор [REDACTED] га сотиб ўтказишини [REDACTED] ни ҳам хабари бўлган, АҚШ доллари учун пулларни ҳолис ҳаридор [REDACTED] берган, [REDACTED] ўз фойдасини олиб қолиб 5.100 АҚШ доллари учун [REDACTED] га 1 АҚШ долларини 8.620 сўмдан ҳисоблаб бериши керак бўлган, шунга кўра суд ҳимоячининг [REDACTED] лар ҳолис ҳаридор [REDACTED] га 5.100 АҚШ долларини алоҳида бир-бирлари билан тил бириктирмасдан сотиб ўтказгани, [REDACTED] АҚШ долларларини [REDACTED] дан сотиб олиб, ўзи мустақил равишда [REDACTED] га сотганлиги ва шунинг учун уларнинг

ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 177-модда 2-қисмига қайта квалификация қилиш ҳақидаги фикрини рад қилишликни лозим деб топади.

Суд [] ни айбига тўлиқ иқрор ва пушаймонлигини, оилали қарамоғида 1 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, ўзи яққа тадбирда тадбиркор сифатида фаолият олиб боришини яшаш жойидан ижобий тавсифланганини, муқаддам судланмагани, биринчи маротаба унча оғир бўлмаган жиноят содир қилганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди ва жиноятни гуруҳ таркибида олдиндан тил бириктириб содир қилинганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, [] га нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни, [] ни шахсини, жиноят содир қилгандан кейинги муносиб ҳулқ-атворини эътиборга олиб уни жамиятдан ажратмасдан, қайта тарбиялаш мумкин деган фикрга келиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш ва озодликни чеклаш жазосидан ҳам енгилроқ мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлашликни;

[] ни айбига тўлиқ иқрор ва пушаймонлигини, оилали қарамоғида 4 нафар фарзандлари борлигини, хунармандлик билан шуғулланишини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди ва жиноятни гуруҳ таркибида олдиндан тил бириктириб содир қилинганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, [] га нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни, [] ни шахсини, жиноят содир қилгандан кейинги муносиб ҳулқ-атворини эътиборга олиб уни жамиятдан ажратмасдан туриб ҳам қайта тарбиялаш мумкин деган фикрга келиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш ва озодликни чеклаш жазосидан ҳам енгилроқ мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлашликни лозим деб топди.

Суд ашёвий далил деб эътироф этилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Андижон вилоят Бўз туман бўлимнинг 18.07.2019 йил кунги №2/6-106-19-сонли хатига асосан топширилиб, Ипротека банк АТИБ Андижон вилоят филиалида сақланаётган 5.100 АҚШ долларини давлат эғалигига ўтказишликни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига асосланиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

[] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-модда 3-қисмининг “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилсин.

[] га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-модда 3-қисмининг “в” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб 250 (икки юз эллик) соат мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижроси Андижон шаҳар ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

_____ нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва гаровга қўйилган _____ давлат белгили автомашина қонуний эгаси _____ эгалигида қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-модда 3-қисмининг “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилсин.

_____ га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-модда 3-қисмининг “в” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб 250 (икки юз эллик) соат мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижроси Андижон шаҳар ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

_____ га нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва гаровга қўйилган _____ давлат белгили автомашина қонуний эгаси Ф.Обидов эгалигида қолдирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Андижон вилоят Бўз туман бўлимининг 18.07.2019 йил кунги №2/6-106-19-сонли хатига асосан топширилиб, Ипротека банк АТИБ Андижон вилоят филиалида сақланаётган 5.100 АҚШ долларини давлат эгалигига ўтказилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, маҳкум ҳукм нусхасини олган кунидан бошлаб, ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

Н.Парпиев

Нусхаси аслига тўғри

**Жиноят ишлари бўйича Жалақудук
туман судининг раиси:**

Н.Парпиев